



Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan



«Дунё» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистон элчиси Равшан Усмонов Британия Бизнес ва савдо бўйича давлат котибининг парламент ўринбосари, экспорт вазири лорд Малколм Оффорд билан учрашди.



Божхона қўмитасида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жонатан Хеник бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Баҳромжон Алоев Ўмон Султонлиги элчиси Вафо Жабр Носир Ал-Бусайдий билан учрашди.



Самарқанддаги «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети қошидаги Арт-Резиденцияда Шаржа амирлигининг археологик топилмалари кўргазмаси очилди.



ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида Туркия Металлар иттифоқи касба уюшмаси бош котиби Талипхан Киймаз билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда охири йилларда Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривож топиб, янги босқичга кўтарилгани, шу аснода икки мамлакат касба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиб бораётгани хусусида сўз борди.

Дастлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов меҳмонларга мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан инсон қадрини улуғлаш ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оши-

рилаётган тизимли ислохотлар ва дилларга қувонч бахш этаётган натижалар тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Ўз навбатида, Туркия Металлар иттифоқи касба уюшмаси бош котиби Талипхан Киймаз икки давлат Президентлари сазой-ҳаракатлари билан ўзаро манфаатли дўстона ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривож топиб бораётгани, мазкур жараён касба уюшмалари ҳамкорлигида ҳам акс этаётганини мамнуният билан қайд этди.

– Амалга оширилаётган тў-

ислохотларнинг натижаларини ўз кўзим билан кўриб, жуда қувондим, – деди, жумладан, Талипхан Киймаз. – Тошкентнинг қанчалар гўзаллашиб кетганидан хайратландим. Ўзбекистон касба уюшмалари фаолияти билан танишар эканман, шунга амин бўлдимки, сизлардан ўрганадиган жиҳатларимиз жуда кўп экан. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни бундан буюн ҳам ривожлантириш орқали Ўзбекистон касба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги илғор тажрибаларини

оммалаштиришга эришамиз, деган умиддан.

Учрашув якунида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ва Туркия Металлар иттифоқи касба уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва ўзаро тажриба алмашиш хусусида келишиб олинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТАРИХИЙ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 18-19 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

ТАШРИФ ДАВОМИДА:

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбеда катта тантана билан кутиб олинди.



Душанбедаги «Қасри Миллат» қароргоҳида давлат ташрифи билан Тожикистонга келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.



Душанбедаги «Қасри Миллат» давлат қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказдилар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.



Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Давлат раҳбарлари ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.





ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТАРИХИЙ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Тожикистон Республикаси
Президенти Эмомали Раҳмоннинг
таклифига биноан 18-19 апрель
кунлари давлат таширифи билан
ушбу мамлакатда бўлди.

<<< 1

ТАШРИФ ДАВОМИДА:

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг маданият ва санъат арбобларидан бир гуруҳи юксак фахрий унвонлар билан тақдирланди.



Душанбе шаҳридаги «Кўҳи Борбад» санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида «Дўстлик очкони» бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон концерни биргаликда томоша қилдилар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистонга давлат таширифи доирасида 19 апрель кунлари ушбу мамлакат Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси Раиси Маҳмадтоир Зокирзода билан учрашув ўтказди.



Душанбега давлат таширифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.



Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон Ўзбекистоннинг Душанбе шаҳридаги элчихонаси янги биносини тантанали очиб бердилар.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Душанбеда ташкил этилган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмасига ташириф буюрди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистонга давлат таширифи доирасидаги тадбирлар якунига етди. Аэропортда давлатимиз раҳбарини Президент Эмомали Раҳмон кузатиб қўйди.

president.uz хабарлари
асосида тайёрланди

Ташаббус

«Яшил макон»га муносиб ҳисса

2024 йил 19 апрель куни эрта тонгдан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, фаоллари, ишчи-хизматчилари Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, «Қумариқ» маҳалласи ҳудудида ташкил этилган «Ўзбекистон касабаси уюшмалари боғи»да жам бўлишди.

– Шу йилнинг 29 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 125 миллион туп кўчат экиш бўйича масъул раҳбарларга топшириқ берган эди, – дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раисининг маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов. – Мазкур вазифадан келиб чиқиб, Федерация раисининг тегишли қарори билан тизимдаги барча ташкилотларда 1 апрелдан 10 май кунига қадар «Долзарб 40 кунлик» эълон қилинди. Белгиланган сана мобайнида тармоқ касабаси уюшмаларининг республика кенгашлари, Федерациянинг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, тасарруфдаги ташкилотлар умумий ҳисобда 300 минг дона кўчат экилади.

Йиғилганлар нурунийларнинг дуои фотиҳаси билан ишга киришдилар. Уюшқоқлик билан ўтказилаётган мазкур тадбирда умумий ҳисобда беш ярим гектар ерга беш ярим минг тупга яқин меваги ва манзарали кўчат экиш режалаштирилган. Шундан 860

тасини меваги дарахтлар кўчатлари ташкил этади.

– Боғ ҳудуди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Капитал қурилиш бошқармаси томонидан карталарга ажратиб чиқилди. Сўнг йўл, экиладиган майдонларни кўчатларнинг турлари бўйича тримбл аппаратида мувофиқлаштирилди, – дейди «Kasaba-loyiha» МЧЖ директори Ғайрат Иброҳимов. – Боғда ходимлар хонаси ва бошқа зарур объектлар қурилади. Кўчатларни парваришlash мақсадида боғбон штатлари очилиб, ходимлар бириктирилади. Марказий йўл томонга манзарали кўчатлар, гуллар қадалади.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон касабаси уюшмалари боғи» шунчаки кўзбўямачилик ёки урхо-ур билан номигагина яратилаётгани йўқ. Боғ келажакда катта комплексга айлантирилади. Зотан, бунга ҳозирдан замин ҳозирланяпти.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
Қувончбек Тўраев (фото)
«ISHONCH» мухбирлари



Бухоро
вилояти

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида «Раҳбар ва ёш ходимлар», «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилди.



Учрашувда Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарход Хананияев ҳамда Жамоат хизмати интернационал Европа федерацияси ёшлар кенгаши ҳамраиси Алина Танкелюн Бухоро, Хоразм, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари билан мулоқот ўтказди.

Очиқ мулоқот аввалида Алина Танкелюннинг муваффақиятга эришиш сирлари ва омма олдига маъруза қилиш маданиятига доир интерактив тақдироти тингланди. Шундан

сўнг Ф.Хананияев мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида касабаси уюшмалари аъзолари, айниқса, ёш ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислохотларга тўғлиқ. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили бу борадаги саъй-ҳаракатларга янада юқори қайфият бағишлаши эътироф этилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда тармоқдаги ёш ходимларни қўллаб-қувват-

лашга қаратилган Дастур доирасида ташкил этилган мазкур учрашув тизимда фаолият олиб бораётган ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда уларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очик мулоқотларини йўлга қўйиш, таклифлари асосида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилаётгани айтиб ўтилди.

– Соғлиқ, бойлик, куч-қудрат, шон-шавкат, мансаб тортиб олиниши мумкин, – деди Ф.Хананияев. – Фақат билим-

нигина ҳеч ким тортиб ололмайд. Шу боис сиз азиз ёшларимиз муттасил билим эгаллашингиз, тажриба ортиришингиз, касбий фаолиятни бойитишингиз шарт ва зарур.

Йиғинда ташаббускор, фаол иқтидор эгалари сўзга чиқиб, корхоналарда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдирдилар, ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Тадбирда ёш оилаларга имтиёзли кредитлар, ссуда маблағлари асосида уй-жой

бериш, тизим ходимлари орасида гендер тенглиги имкониятларидан кенг фойдаланиш, ходимларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш ва бошқа қатор масалалардаги саволларга батафсил жавоблар берилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастурига асосан механизмларнинг Бухоро вилоятидаги муқаддас кадамжолар, диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳати ташкил қилинди.

Дилдора ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»

Учрашув



Жараён

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Қиш фаслида иссиққина ўйимизда бемалол яшаймиз ёки иш кабинетимизда хотиржам ўтириб, вазифамизни бажарамиз. Аммо бундай шароитни яратиш учун ушбу соҳа ишчи-хизматчилари кеча-ю кундуз тинимсиз меҳнат қилишларини кўпинча ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Шу боис биз уларнинг фаолияти билан яқиндан танишмоқчи бўлиб, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Тошкент иссиқлик электр марказига йўл олдик.

Бу ерда 444 киши меҳнат қилар экан. Уларнинг иш юритиш жараёнлари ва меҳнат шароитлари ўзига хос. Мухими, улкан иншоотлардан унумли фойдаланилаётгани ва усуналар оқилона бошқарилаётгани шарофати ўлароқ, уйларимизга иссиқлик ва иссиқ сув етказиб берилади.

– Корхонамизда бир йилда 340,5 миллион квт/соат электр энергияси ва 1 млн. 600 минг Гкал иссиқлик ишлаб чиқарилади, – дейди марказнинг автоматика ва ўлчов цехи бошлиғи Тоҳир Ғуломов. – Бугунги кунда янги трубина заводимиз синов жараёнида. Агар у ҳам ишга туширилса, қувват яна 64 минг киловатт электр энергияси билан бийийди. Шунинг баробарида 26 та янги иш ўрни яратилади.

Тоҳир ака 34 йилдан бери шу корхонада ишлайди. Дастлаб марказлаштирилган таъмирлаш цехида фаолият юритди, маълум муддат чилан-

гарлик қилгач, қозон-турбина цехида меҳнат қила бошлади. Бора-бора автоматика ва ўлчов цехи бошлиғи даражасига етди. Ҳар куни эрталаб бу ерга келиб, кунлик ишларини режалаштиради. Ходимлар билан суҳбатлашиб, улар ўз вазифаларини қандай бажараётганини сўраб-суриштиради. Азбаройи касбини севганидан икки ўғлини энергетика соҳасига қизқитди. Ҳозир улар ҳам марказда турли лавозимларда ишлашмоқда.

– Бизнинг асосий вазифамиз автоматик равишда ишлайдиган усуналарни назорат қилиб боришдан, истеъмолчиларга электр энергияси ва иссиқлик узлуксиз етказиб берилишини таъминлашдан иборат, – дея сўзида давом этади суҳбатдошимиз. – Шунга кўра, уларни махсус экран орқали кузатиб турамыз. Бирортаси ишламай қолса, датчиклар сигнал беради. Дарҳол ўша жойга бориб, носозликини бартараф этамиз. Таъми-

нотларда узилиш бўлмаслиги учун тўрт сменада иш юритамиз. Яна бир гап. Авваллари цехларимиз ичида ҳарорат иссиқ ва шовқин баланд бўлиб, меҳнат жараёнини мураккаблаштиради. Эндиликда янги ва замонавий технологик усуналар билан жиҳозланган цехлар ишга туширилган. Улардаги ҳарорат ва шовқин олдингига нисбатан анча паст. Бу эса, самарали ишлаш учун қулай.

Корхона ишчи-ходимларининг 95 нафари хотин-қизлардан иборат. Улардан бири 28 йиллик тажрибага эга Сайёра Раҳимбердиевадир.

– Мен кимё-тозалаш цехида ишлайман, – дейди у. – Бу ерга илк бор келганимда йирик усуналарни кўриб, ваҳимага тушганман. Хайриятки, ҳамкасбларимнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан тезда ишимга мослашиб кетдим. Эрталаб соат 8 дан кечки соат 8 гача ишлаймиз. Кейин ишни навбатдаги сменага

топширамыз. Мана бу филтър деб номланувчи усуналарда иссиқлик тизимига мўлжалланган сув кимёвий моддалар ёрдамида тозаланиб, умумий қувурга йўналтирилади. Агар сув тозаланмаса, хонадонлардаги иситиш мосламалари ва қувурлар ичига ҳар хил моддалар ёпишиб, сув ўтолмай қолиши мумкин. Бу бутун иситиш тизими фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Кўп қаватли уйлардаги қувурлар ичида сув қанчалик яхши айланса, иситиш усуналари ҳам шунча яхши ишлайди ва юқори қаватлардаги хонадонлар бинойидек иситилади. Биз йиллар давомида бу ерда ишлаганимиз боис манави усуналардан чиқаётган шовқинга ўрганиб қолганмиз. Қолаверса, қулоғимизга махсус қулоқчин тақиб оламиз. Гоҳ-гоҳида усуналар ишлашини назорат қилиш учун ташқарига чиқиб, уларни текшириб турамыз.

Сайёра опа ўз ишидан мамнун-

лигини айтди. Ўтган йили бир гуруҳ ҳамкасблари қатори «Нуроний» санаторийсида дам олиб қайтганини, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхатга борганини ҳам тилга олди.

Корхонадаги иш жараёнлари ўндан ортиқ алоҳида-алоҳида бинода амалга оширилади. Асосий вазифани 100 дан зиёд техника, қурилма ва шовуллаб турган улкан усуналар бажарса-да, ҳаммаси инсон томонидан бошқарилади. Масалан, махсус лаборатория бўлимида вақти-вақти билан ҳар бир техник ускуна қандай ишляётгани текшириб турилади. Бош бошқарув шити эса иссиқлик электр марказининг юраги саналади. Бу ерда бутун марказга қарашли ўндан ошик цехлардаги қурилмаларнинг ишлаши назорат қилинади. Эҳкан ва ундаги датчиклар марказдаги ҳар бир бино ичидаги қурилма ҳолатини акс эттириб туради. Навбатчилик қисмидаги электромонтёрлар носозлик келиб чиққан ускунани ёки белгиланган тартиб бўйича ўчирилиши лозим бўлган қурилмани ишдан тўхатиб ёки яна ишга тушириб беради.

– Ишимизнинг ҳавфли томони мунтазам электр токи билан ишлаймиз, – дейди электромонтёр Эркин Фозилов. – Бу энергия рангсиз ва овозсиз. Ундан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур. Шу боис мен бу соҳада 9 йилдан буён тинч-хотиржам ишлаб келяпман. Баъзан электр таъминотида узилиш рўй берса, дарҳол уни бартараф этишга киришамиз.

Биз иссиқлик электр марказида қасаба уюшмалари томонидан иш-

чи-ходимларга қандай эътибор қаратилаётгани билан ҳам қизиқдик. Иссиқлик электр станциялари бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Темурубек Бекмирзаевнинг айтишича, ўтган йили 10 нафар ходим турли санаторийларда даволанган, 50-60 нафари «Кристалл» оромгоҳида дам олган. Ишчиларнинг 30 нафар фарзандлари эса ёзи татилда энергетика тизими ходимларининг фарзандларига мўлжалланган «Қамалак» ва «Афсона» болалар оромгоҳларига юборилган.

– Шунингдек, байрамларда ишчиларга ўз вақтида мукофот пуллари, нафақага чиқаётган ходимларга моддий ёрдам ва эсдалик совғалари бериб борилади. – дейди Темурубек Бекмирзаев. – Шунинг учун ҳам бу корхонада ишлаш ҳар бир ишчи-ходим учун фахрга айланган. Қолаверса, бу йил санаторийга йўлланма билан борурилари 30-40 нафарга, «Кристалл»да ҳордиқ чиқарадиган ишчи-ходимларни 100 нафарга етказмоқчимиз.

Ҳа, қайси корхона-ташкilotда ходимлар учун қулай шароитлар яратилса, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, фидойи ходимлар, ўз ишининг моҳир усталари кўпаяди, «Устоз – шогирд» анъанаси ривожланади. Бунга Тошкент иссиқлик электр марказидаги жараёнлар яққол мисол бўла олади.

Зебо НАМОЗОВА,
Қувончбек ТўРАЕВ (фото)
«ISHONCH» муҳбирлари

Эълонлар

«LOMBARD EVRIKA KREDIT» МЧЖ Жамиятнинг 2023 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар			Устав капитали	500000	500000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Кўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	75000	75000
4	Товар-моддий захиралари			Тақсимланмаган фойда	185350,00	113661,00
5	Дебиторлар	37284,7	36411	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	26166,0	100319,0	Келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	791890,0	644180,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар	6995,3	2863,0	Жорий мажбуриятлар	101986,0	95112
	Жами активлар	862336,0	783773,0	Жами пассив	862336,00	783773,00

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	760454	
	Сотилган махсулотлар таннархи		
	Махсулот сотишдан тушган ялли фойдаси	760454	
	Давр харажатлари, жами:		575771
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	111232	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами		
	Фоишлар шаклидаги харажатлар		
	Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	295915	
	Даромад (фойда) солиқ		46935
	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	248980	

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «FENIKS FINANCE» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

«CLASSIC LOMBARD» МЧЖ Жамиятнинг 2023 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар			Устав капитали	500000	500000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Кўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	167903	167903
4	Товар-моддий захиралари	170448	153207	Тақсимланмаган фойда	413062,00	302599,00
5	Дебиторлар	39787,6	40683,5	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	77794,0	60942,0	Келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	845750,0	761850,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар	12142,4	15061,0	Жорий мажбуриятлар	64957	61241
	Жами активлар	1145922,0	1031743,0	Жами пассив	1145922	1031743,00

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	715991	
	Сотилган махсулотлар таннархи		
	Махсулот сотишдан тушган ялли фойдаси	715991	
	Давр харажатлари, жами:		334648
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	131778	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами		
	Фоишлар шаклидаги харажатлар		
	Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	513121	
	Даромад (фойда) солиқ		89083
	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	424038	

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти «FTF-LEA-AUDIT» АЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

«IDEAL KREDIT-LOMBARD» МЧЖ Жамиятнинг 2023 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар			Устав капитали	500000	500000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Кўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	75000	75000
4	Товар-моддий захиралари			Тақсимланмаган фойда	447495,00	493914,00
5	Дебиторлар	63977,0	52975,5	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	44526,0	49717,0	Келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	981780,0	1029780,0	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар	4727,0	2877,5	Жорий мажбуриятлар	72515,0	66436
	Жами, активлар	1095010,0	1135350,0	Жами, пассив	1095010,00	1135350,00

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	988989	
	Сотилган махсулотлар таннархи		
	Махсулот сотишдан тушган ялли фойдаси	988989	
	Давр харажатлари, жами:		534340
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	201555	
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами		
	Фоишлар шаклидаги харажатлар		
	Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	656204	
	Даромад (фойда) солиқ		102290
	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	553914	

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «FENIKS FINANCE» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

МЧЖ «LOMBARD SERGELI KREDIT» Жамиятнинг 2023 йилги бухгалтерия баланси

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	228830	0	Устав капитали	1100000	1100000
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Кўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	165000	165000
4	Товар-моддий захиралари			Тақсимланмаган фойда	7542037	7889359
5	Дебиторлар	871585	1012745	Мақсадли тушум ва фондлар	0	0
6	Пул маблағлари	596883	273642	Келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	7323060	7936545	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8	Бошқа жорий активлар	8170	10277	Жорий мажбуриятлар	221491	78850
	Жами активлар	9028528	9233209	Жами пассив	9028528	9233209

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи.

	Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	7199711	
	Сотилган махсулотлар таннархи		
	Махсулот сотишдан тушган ялли фойдаси	7199711	
	Давр харажатлари, жами:		1291461
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари		
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами		
	Фоишлар шаклидаги харажатлар		
	Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	5908250	
	Даромад (фойда) солиқ		887970
	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
	Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	5020280	

Жамиятнинг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари МЧЖ шаклидаги «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

Конференция

«АНОР»

онлайн платформаси
яратилди



«Wyndham Tashkent» меҳмонхонасида «Мамлакатимиз хотин-қизларини тадбиркорликка ўқитиш бўйича «Анор» онлайн платформасини яратиш» лойиҳасининг якуний тақдими тоғида бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Унда тадбиркор ва ишбилармон аёллар, платформа ижодкорлари, бизнес экспертлар, халқаро ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Ташкилланганидек, «Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси Инновацион ривожланиш агентлигига «Мамлакатимиз хотин-қизларини тадбиркорликка ўқитиш бўйича онлайн платформа яратиш» лойиҳаси ташаббуси билан чиқди ва 2022 йилда ушбу ташаббус қўллаб-қувватланиб, белгиланган тартибда танловга қўйилди. Ассоциация томонидан илмий-амалий гуруҳ шакллантирилди. Гуруҳ фаолиятига иқтисод ва тадбиркорлик, қонунчилик, бизнес муҳити бўйича мамлакатимизда энг кўзга қўринган олимлар, мутахассислар жалб қилинди.

«Анор» рамзий номи остида яратилган ўқув курслари мамлакатимизнинг 4 та ҳудудида офлайн синондан ўтказилди, унинг дзайини бўйича фикр-мулоҳазалар, тақлифлар ўрганиб чиқилди. Ва ниҳоят, «Анор» электрон платформаси яратилиб, ўқув курслари ушбу платформага жойлаштирилди.

Уни тайёрлаш жараёнида амалдаги миллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Соҳадаги илғор ҳамда қонунчилиги ўхшаш бўлган хорижий давлатлар тажрибаларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асослари таҳлил қилинди. Илмий нашрларда мақолалар чоп этилди.

Айтиш лозимки, «Анор» ягона онлайн платформасининг амалиётга татбиқ этилиши ишбилармон аёллар ҳамда тадбиркорлик билан шўғулланиш ниятида бўлган хотин-қизларга масофадан туриб ўз билим ва малакаларини ошириш имконини беради. Бу жараён тизимли равишда йўлга қўйилиши натижасида бизнес-тренинглар ўтказиш учун бино ижараси ва бошқа мақсадлар учун сарфланадиган маблағлар иқтисод қилинади, муҳими, қатнашчилар вақти тежалади.

Қомила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси кўп йиллик давомида Жиззах вилояти қасаба уюшмалари тизимида фаолият юритган, қасаба уюшмалари фахрийси

Шўқур ТОЖИҚУЛОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ҳамда қасаба уюшма қўмитаси университетнинг Немис тили амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Шокиржон Ҳолматовга отаси

Солижон ота ҲОЛМАТОВ

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

